## Ижтимоий ҳимоя









# ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚЛАР

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг, аввало, етакчи соҳаларнинг таркиби тубдан ўзгарди. Янги-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳалари пайдо бўлди. Мана шуларни инобатга олиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III Курултойидан кейинги ўтган даврда ижтимоий мулоқот ҳамда ижтимоий шерикчиликни амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириш ишлари Федерация Кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келди.***

Тармоқ касаба уюшмалари томонидан ижтимоий мулоқот самарадорлигини оширишга қаратилган изчил чоралар кўрилди. 2000 йилда республика миқёсида 76 та тармоқ келишувлари амал қилган бўлса, 2004 йилга келиб уларнинг сони 90 тага етди. Федерация Кенгаши раёсатининг қарорига асосан жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш амалиёти жорий этилиши туфайли ушбу ҳужжатларнинг савияси анча кўтарилди. Тармоқ келишувларига иш ҳақи вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларни моддий жавобгарликка тортиш, нарх-наво ўзгаришига қараб иш ҳақини қайта кўриб чиқиш ва ўз вақтида тўланмаган иш ҳақига пеня ҳисоблаб чиқиш каби янги меъёрлар ҳам киритила бошланди.

Кенгаш раёсати ўзининг қатор қарорлари билан тузилаётган жамоа келишувларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимлар учун ижтимоий имтиёзлар ўрнатиш меъёрларини, шунингдек, давлат дастурларига биноан аёлларни, ногиронларни, пенсионерларни, байналмилалчи жангчиларни, Чернобил ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кучайтиришни касаба уюшма органларига тавсия этиб борди.

2000 - 2004 йиллар мобайнида касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бирлашмалари, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар ҳудудий палаталари ўртасидаги ижтимоий мулоқот ривожлантирилди. Ҳудудий келишувлар мазмунини бойитиш мақсадида уларга ишсизлик нафақаси тайинланадиган шахсларнинг сони, савдо тизимини 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлаш, ҳудуд бўйича эришиладиган ўртача иш ҳақи миқдори, жамоат транспортини ривожлантириш каби бир қатор аниқ меъёрлар киритила бошланди.

Жамоа шартномаларининг мазмуни ҳам анча яхшиланди. Раёсат қарори билан мазкур ҳужжат лойиҳаларини экспертиза қилиш, уни рўйхатга олиш амалиёти биринчилардан бўлиб республикамизда жорий этилди. Жамоа шартномаси меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, касбий муносабатларни нафақат тартибга солувчи, балки барқарорлаштирувчи меъёрий ҳужжат сифатида тан олиниши кенгайди. Шу боис нафақат ходимларнинг, балки иш берувчиларнинг ҳам манфаатдорликлари ошмоқда.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини оширишда жамоа шартномалари бошқа норматив ҳужжатлар ролини оширишга қаратилган муҳим воситалардан бири сифатида хизмат қилмоқда.

Федерация Кенгаши ижроия қўмитаси, қатор касаба уюшма ташкилотлари, айниқса, автотранспорт ва йўл хўжалиги касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни таҳлил қилиш бўйича мониторинг ўтказиш бўйича тажрибасини кенг қўллаб-қувватлади. Касаба уюшмалари органлари томонидан судга мурожаат қилишдан аввал амалга ошириладиган ҳаракатлар тартибини ўз ичига олган "Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича Намунавий ҳаракат тартиби"ни тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда банклар билан ишлаш, дебиторлик қарзларини ундириш, вақтида тўланмаган иш ҳақини индексациялаш каби масалалар юзасидан тушунтириш ва тавсиялар берилган. Бошланғич ташкилотдан тортиб Федерация Кенгашигача бўлган барча даражадаги касаба уюшма органларининг ушбу масаладаги масъулияти белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун бир қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Ўтган беш йил давомида Федерация томонидан мазкур тоифага мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада жамоат ташкилотлари, жумладан "Нуроний" жамғармаси, Республика байналмилалчи жангчилар бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ногиронлар, кексалар, вояга етмаганлар, байналмилалчи жангчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи Кенгаш раёсатида, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон Байналмилалчи жангчилар бирлашмаси, афғон уруши ногиронларининг республика хайрия жамғармаси бошқаруви билан биргаликда кўриб чиқилди.

Федерация Кенгаши билан Ўзбекистон Байналмилалчи жангчилар бирлашмаси ўртасидаги 2002 - 2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури асосида собиқ жангчилар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан ҳар йили 300 нафар байналмилалчи жангчи санаторий-курортларда бепул соғломлаштирилмоқда. Уларнинг мингдан зиёд фарзандлари ёзги болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди.

Барча тармоқларда амал қилаётган жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ногиронлар, 18 ёшга тўлмаган шахслар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилган.

**М. ИСАЕВ,**
**Ўзбекистон КУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири**

# ТЕНГ ШЕРИКЧИЛИК

## самарали меҳнат кафолати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастурида давлат ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Бу юмушни амалга ошириш ва ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномалари меъёрий ҳужжат сифатида хизмат қилаяпти. Бунга акциядорлик жамиятимиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Айни кунларда корхонанинг санаторий-профилакторийси, «Оқтош кимёгарлар оромгоҳи», «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Маданият саройи ҳамда спорт мажмуи меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. Албатта ушбу муассасаларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда жамоа шартномаларига суянамиз.

Ўтган йиллар давомида корхонада меҳнат қилаётган икки ёшдан уч ёшгача фарзанди бўлган 315 нафар аёлларга бола парвариши учун 3 миллион 381 минг сўм ажратилди. Бундан ташқари ишчиларга бепул тушлик ташкил этилди. 2 минг нафардан зиёд фарзандларимизга болалар ёзги оромгоҳига имтиёзли йўлланмалар берилди. 778 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари корхона санаторий-профилакторийсида бепул соғломлаштирилдилар. Кам таъминланган ишчилардан 3 минг 40 нафарига касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. 1 минг 89 нафар ишчи эса бепул тиббий кўрикдан ўтди. Жамоа шартномаларида зарарли иш шароитида ишловчилар учун махсус кийим-бош, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, иш ўринларини аттестациялаш масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилди.

**Б. АБДУЛЛАЕВ,**
**«Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**



**** Жамоа - шартномавий муносабатлар механизмини такомиллаштирилиши натижасида жойларда имзоланаётган жамоа шартномаларининг сони деярли 3,8 бараварга ошди. Яъни 2000 йилда 27 минг 286 та жамоа шартномаси амал қилган бўлса, 2004 йилга келиб бу рақам 104 минг 26 тани ташкил этди.***

**** 2000 йилда жами жамоа шартномаларининг 49 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида тузилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 86 фоизга кўтарилди. Шу жумладан хусусий корхоналарда 14 фоиздан 77 фоизгача ошди.***

**** Жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида ҳар йили қуйидаги асосий ўртача кўрсаткичларга эришилмоқда:***

***- 9 мингга яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда энг кам иш ҳақи миқдори республика бўйича белгилаб қўйилганига нисбатан оширилган миқдорда ўрнатилади.***

***- 2 миллиондан зиёд меҳнаткашларнинг йиллик асосий таътиллари узайтирилади.***

***- 900 мингга яқин ходимларга қонунда назарда тутилганидан ташқари қўшимча таътиллар берилади.***

***- Иш берувчилар ҳисобидан 100 мингга яқин ходимлар ўқитилади, қайта ўқитилади ҳамда касбий тайёргарликдан ўтади.***

# ДАВР ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ

***Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси таркибида 11 та тармоқ касаба уюшма кенгаши, 2 мингдан зиёд бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 500 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган.***

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалардандир. Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда жамоа шартномалари аниқ мақсадларга қаратиляпти. Уларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва шароит яратиш бўйича кафолатлар, товон пули, устама ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзлар акс этган. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Олмалиқ тоғ-металлургия» комбинати, «Янгийўл ёғ-мой», «Аммофос»акциядорлик жамиятларида бу борада олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент», Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарда тузилган жамоа шартномаларида кўп болали аёлларни ойлик маоши сақланган ҳолда иш кунлари бир соатга қисқартирилган. Ҳомиладорликнинг 5-ойидан бошлаб берилаётган таътиллар 321 та корхонада қўлланилмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги корхоналар тасарруфида 9 та санаторий-профилакторий фаолият кўрсатяпти. Мазкур масканларда ишчиларнинг ҳар томонлама мазмунли дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Физиотерапия, озокирит билан даволаш усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Оромгоҳларда кўп болали, кам даромадли, боқувчисини йўқотган оила фарзандларини ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини имтиёзли дам олдиришга аҳамият берилмоқда. Бўка туманидаги Меҳрибонлик уйининг 940 нафар, Ангрендаги 34-мактаб-интернатининг 982 нафар, хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган вилоят ички ишлар ходимлари фарзандларининг 160 нафари ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлишди. Кўпгина корхона ва ташкилотлар эса ўз ҳисобларидан кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига бепул йўлланмалар ажратмоқдалар.

**Шуҳрат МУСАЕВ,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири**

# ҲАР БИР АЪЗОНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти 2004 - 2006 йилларга мўлжалланган фермер хўжаликларини ривожлантириш тўғрисидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги қарорларига асосан ширкат хўжаликларини деҳқон-фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган.***

Шунингдек, Президентимиз 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида: фермер хўжаликлари фаолиятининг таҳлили шундан далолат берадики, бу хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ширкатларга қараганда, анча юқори бўлмоқда. Фермер хўжаликларида барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги баланд. Пахтачилик ва ғаллачилик бўйича рентабеллик ошиб бормоқда, деган эди.

Бу борада вилоятимизда кўпгина ишлар амалга оширилляпти. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашининг фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда қабул қилган қўшма қарорига асосан, янги ташкил қилинган деҳқон-фермер хўжаликлари аъзоларини касаба уюшмалари сафига жалб этиш ва уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида қўшма раёсат қарори ишлаб чиқилди. Бугунги кунда туманимизда 1 минг 100 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур соҳада ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш ниятида вилоят фермер хўжаликлар уюшмаси билан касаба уюшма тармоқ қўмитаси ўртасида битим имзоланди. Фермер хўжаликлари уюшмалари қошида ташкил этилган касаба уюшма қўмиталари билан жамоа шартномаси тузилди.

Айни кунда тугатилган ширкатлар ўрнида МТП ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини давом эттириш учун улар қошида бошланғич ташкилотлар ташкил этилди. Барча фермер хўжаликлари уларга жалб этилди. Бу албатта, ҳар бир фермерни ижтимоий ҳимояловчи юридик ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

**К.ГАДОЕВ,**
**Пайариқ туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси**

***Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши туман, бошланғич касаба уюшма қўмиталари хўжалик органлари билан ҳамкорликда ёрдамга мухтож қарияларни, меҳнат фахрийларини ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Жамоа шартномалари касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялашдаги асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.***

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

## ижроси билан кучли

Жорий йил вилоят кенгаши тизимидаги 344 та бошланғич ташкилотда жамоа шартномаси тузилганди. Уларнинг бажарилиши ҳар ярим йилда муҳокама этиб борилмоқда. Жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши учун ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўрта ҳисобда 29 минг 160 сўмни ташкил этди. Тармоқ бўйича жамоа шартномаларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича 179 минг 578 та банд қабул қилинди. Шулардан 160 мингга яқини тўлиқ бажарилди. Юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот, муассасалар сони деҳқон ва фермер хўжаликлари билан бирга 8 минг 808 тани ташкил этди. Мазкур ташкилотлар учун ижтимоий ҳимоянинг янги тамойиллари излаб топилиб, мавжуд иқтисодий имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Фермер хўжаликларида фаолият кўрсатаётган касаба уюшма азосининг 84 нафари республикамиз сиҳатгоҳларида соғломлаштирилди. Кам таъминланган оилаларга 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали, муҳтож оилалар ҳисобга олиниб, байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олиш одат тусига кирган. Айниқса, бу борада Хонқа туманидаги «Ўзбекистон», Шоботдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, «Дўстлик» ширкат хўжалигида, «Урганчёғ», «Хонқадон», «Урганчшароб», «Урганчэкскаватор» очиқ акционерлик жамиятларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Шунингдек, пахта теримида меҳнат мусобақаси ташкил этилиб, илғорлар рағбатлантириб борилди. Вақти-вақти билан келишувларнинг бажарилиши жойларда муҳокама қилиниб, меҳнаткашлар оммасига ҳавола этилди.

Сиҳат-саломатлик йилида вилоят касаба уюшма кенгаши тизимидаги 336 та ташкилотда жамоа шартномалари тузилди.

**К. РАҲИМОВ,**
**Хоразм вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси**

## БЕПУЛ ТУШЛИК КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари Марказий Кенгаши тизимидаги кўпгина корхоналарда жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёзлар натижасида ходимлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги бир қатор корхоналарда ўз маблағи ҳисобидан бепул тушлик, транспортда ишга бориш-келиш, даволаш ҳамда соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тармоқ бўйича жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда ҳар бир ходимга 58 минг 671 сўм сарфланган бўлса, бу рақам 2001 йилда 83 минг 389 сўмни ташкил этди.

Биргина 2003 йил якуни бўйича 615 та корхонада тузилган жамоа шартномаларига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган. Тармоқдаги 446 та корхонада жамоа шартномасига биноан қўшимча таътил белгиланиб, бу 73 минг 810 нафар ходимга нисбатан тадбиқ этилган.

***Вилоятимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар жамоамизда ҳам ўзининг ижобий натижаларини бераяпти. Жумладан, меҳнатга муносабат тубдан яхшиланди. Мана қарийб икки йилдан буён олаётган соф фойдамиз 100 миллион сўмдан ошмоқда. Мавсум охирида меҳнат илғорлари моддий рағбатлантириляпти. Масалан, ўтган йили 10 та "Жигули" автомашинаси ва бошқа қимматбаҳо совғалар ўз эгасини топди.***

# ИЛҒОРЛАРГА АВТОМОБИЛ

Деҳқончиликдан келаётган даромадлар эвазига халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий аҳамият беряпмиз. Хўжалигимиз ҳудудидаги 7 та қишлоқнинг барчаси газлаштирилди. Кийикчи ва Қорахўжа қишлоқларига ичимлик суви олиб келинди. Қоратепа қишлоғида эса 624 ўринли замонавий мактаб биноси қад кўтарди. Яна бир қувончли воқеа. Бу ҳам бўлса ёшлар спорт мажмуининг қурилишидир. Мазкур бинога 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Хўжаликнинг марказий таъмирлаш устахонасида барча қулайликларга эга бўлган дам олиш хонаси, 200 кишилик ошхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Хўжалик аъзоларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Йил бошида қабул қилинган жамоа шартномасига асосан хўжалик ҳисобидан 4 нафар киши "Чинобод", 12 нафар киши "Қашқадарё соҳили", 18 нафар киши эса "Майманоқ" санаторийларида дам олди. Шунингдек ҳар йили 400 нафардан зиёд фарзандларимиз болалар оромгоҳида бепул дам олдирилди.

Икки йилдан буён хўжаликда ишлаётган кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртларида ўқийдиган фарзандлари шартнома пулларининг 50-70 фоизи хўжалик ҳисобидан қопланмоқда. Ўтган йилги Мустақиллик байрамида 30 нафар боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини суннат тўйлари ўтказилиб, ҳар бирининг омонат дафтарчасига хўжалик ҳисобидан 10 минг сўмдан пул қўйилди.

Марказий таъмирлаш устахонаси ишчилари, механизаторлар, қурувчилар учун доимий равишда бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Ўтган йили чилангарлар, темирчи, электр ва газ пайвандчилари ҳамда механизаторлар учун 1 миллион 750 минг сўмлик махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари олиб берилди.

**З. АСРОРОВ,**
**Касби туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси**

*ЎзКУФК қабулхонасида*

# МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН

## фаол, шижоатли бўлиш, халқ дарди билан яшамоқ керак

***Бу даргоҳга одамлар не-не умидлар билан қадам қўйишади. Қабулхона эшиги барча учун ҳамиша очиқ. Кимдир асоссиз ишдан бўшатилгани, бошқаси товон пулини ундириш ниятида, яна биров штатлар қисқаргани.... қўйингки, иш берувчининг ноқонуний буйруғи билан адолат тамойиллари бузилганда қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун ёрдам сўраб бу ерга келишади.***

ЎзКУФК раҳбарлари, тажрибали ҳуқуқшунослар мурожаат билан келганларнинг ариза, шикоят, таклифларини диққат-эътибор билан тинглаб, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммолар ечимини топиш чораларини кўришни ўз инсоний бурчлари деб биладилар.

Қабулхонадан яхши кайфиятда чиқаётганларни суҳбатга тортамиз:

– Пахтачи туманидаги Ш.Назаров номли ширкат хўжалигидан биродарим Ибодулла Тиловов билан келдик, – дея ўзини таништиради Рустам Ҳакимов. – Биримиз темирчи, биримиз механик бўлиб ишлардик. Касб касаллигига учраб II гуруҳ ногирони бўлиб қолдик. Товон пулини тўлаш бўйича мутахассислардан ёрдам, йўл-йўриқ сўрагани шунча йўл босиб келиб хато қилмаганлигимизни англадик. Дил сўзларимизни обдон эшитиб, йўл-йўриқ кўрсатиш билан бирга тармоқ Марказий Кенгаши ҳуқуқшуноси қабулига йўллашди.

Қабулхона мудираси Муҳаббат Абзалова фуқаролардан келган хат, мурожаат ва талабларга алоҳида эътибор билан ёндошади. Ҳар бир хат ортида инсон тақдири, инсон манфаати ётганлигини чуқур ҳис қилиб, уларни дарҳол рўйхатдан ўтказиб, назоратга олади. Федерация мутасаддилари меҳнаткашларнинг мурожаат, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда КУФКнинг бу борадаги Низомига суянадилар. Федерация Кенгашига йўналтирилган, лекин ушбу ташкилот ваколатига кирмайдиган масалалар акс этган мурожаатлар тегишли идораларга юборилади, хат муаллифлари бундан албатта хабардор этилади. Фуқаролардан келган хат ва оғзаки мурожаатларнинг аксарияти асоссиз ишдан бўшатиш, иш ўринлари қисқариши ва корхонанинг тугатилиши билан вужудга келган муаммолар, шунингдек, маош вақтида тўланмаслиги, ишлаб чиқаришда содир этилган бахтсиз ҳодисалар туфайли соғлигига зиён етганларга нафақа тўлаш хусусидадир.

– Олам гултожи бўлмиш инсонга хизмат қилиш – жонажон ишимиз, – дейишади тажрибали ҳуқуқшунослар. – Биз умид билан келган ҳар бир фуқаро дардига малҳам бўлиш, мушкулини осон этиш учун ўзимизни масъул деб биламиз.

Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ижтимоий ҳимоядир. Тизимда мазкур йўналиш бўйича 40 нафардан ортиқ малакали мутахассис ва ҳуқуқшунос фаолият юритаяпти. Қурултойдан-қурултойгача ўтган даврда КУФКга фуқаролардан 1024 та ёзма ва 3620 та оғзаки, жами 4644 та мурожаатлар келиб тушди. Шунингдек, касаба уюшмаларининг барча поғонадаги ташкилотларига 102 мингтага яқин ариза ва шикоятлар келди, улардан 24.795 таси ёзма, қолгани оғзаки мурожаатлардир.

Қабулхона фаолияти билан танишар эканмиз, адолатни юзага чиқариш осон эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Баъзида бир хат ортидан ойлаб ҳаракат қилишга тўғри келади. Ўтган даврда ҳуқуқшунослар судларга 400 та даъво аризасини киритиб, касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминладилар. Қанча-дан-қанча кишилар ўз ишига тикланди. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Шунингдек, малакали ҳуқуқшуносларнинг иш берувчилар билан олиб борган музокаралари натижасида муаммолар ҳал этилди. Жумладан, Узун туманидаги «Боботоғ» ўрмон хўжалигидан М.Холиқов, И.Юзбоев, вилоят телеком ҳисобчиси И.Норбоев, Андижон нефт маҳсулотлари корхонасидан М.Сайфуддинов, «Бухоронефтгазавтоматика» акционерлик жамиятидан Р.Хўжаев, «Навоийазот»дан Т.Жумаев, М.Сиддиқов ва бошқалар мушкули осон этилди.

Бозор шароити имиллашни кечирмайди. КУФК қабулхонасига келган шикоят ва аризалар таҳлили шуни кўрсатдики, янгича талаблар асосида фаолият юритиш учун касаба уюшма етакчиси етарлича билим ва тажрибага эга бўлиши, энг муҳими иш берувчига ўз сўзини ўтказа олиши зарур. Минг афсуски, айрим бошланғич касаба уюшма етакчиларининг муросасозлиги туфайли, айрим ҳолларда иш берувчининг манфаатига мослашиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида асаббузарлик, судма-суд, идорама-идора сарсон бўлишларга сабаб бўлмоқда. Ана шундай дамларда уларга фаоллар камарбаста бўлаётгани қувончли ҳолдир.

Баъзи иш берувчилар амалдаги қонунларни яхши билмасликлари ёки билсалар ҳам уларни четлаб ўтаётганлиги, «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритишаётгани шикоятларга сабаб бўлаяпти. Масалан, ёзма мурожаатларнинг 1870 таси иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунбузилишига йўл қўйилганлиги ҳақидадир. Мурожаатларнинг энг кўпи Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Тошкент вилоятларига тўғри келаётир. Тармоқ миқёсида эса Агросаноат мажмуи, Таълим ва фан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашларида ҳам ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар анчагина.

— Хат ортида инсон тақдири, манфаати ётганлигини бир лаҳза бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ, – дейди Федерация котибияти мудири Шавкатбек Қодиров. – Шу боис ҳар бир мурожаатнома ҳуқуқшунослар томонидан қонуний ва адолатли ҳал этилишига алоҳида аҳамият берамиз. Насиба Тиллахўжаева, Маҳмуджон Исаев, Герст Ғоффоров, Йўлдош Аҳмедов каби ҳуқуқшунос ва мутахассисларимиз борки, улар одамларнинг мушкулини осон қилишга астойдил бел боғлаган фидойилардир. Кези келганда 1979 йилдан бери касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши Бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторовнинг жонбозлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Карим ака тармоқ ходимлари томонидан келиб тушган ариза ва мурожаатларни адолатли ҳал этиш учун ҳафталаб тегишли идоралар билан музокаралар олиб боради. Қонунлар асосида иш юритиш унинг ҳаёти мезонига айланган. Сўнгги йилларда ҳуқуқшуноснинг саъй-ҳаракати билан 100 дан ортиқ шикоят ва аризалар ижобий ҳал этилди. Шунингдек, ҳуқуқшуносларнинг аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётган қўлланмалари, «Ишонч» газетаси, радиотелевединиедаги чиқишлари жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Республика онкология илмий текшириш маркази ходими Ф.Муҳитдинова вазифасидан ноқонуний озод этилган эди. ЎзКУФК ходимларининг бевосита саъй-ҳаракати билан ўзининг севимли ишига қайта тикланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.





### ҲАҚИҚИЙ ҲИМОЯЧИ

*Узоқ йиллар «Нурobод» нефтбазасига қарашли «Зирабулоқ» акционерлик жамиятида қоровул бўлиб ишладим. Нима учун эканлигини айтмай сабабсиз ишдан бўшатиб юборишди. Аввал жамоа касаба уюшмасига мурожаат қилдим. Улар муросасозлик йўлини тутишди, сўнгра масъул идораларга ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилишни сўраб бордим. Аммо... Охири Федерация Кенгашига мурожаат қилдим. Бу ердаги ҳуқуқшунослар адолатни тиклаб, қонуний ҳақимни ундириб беришди. Барча якуний тўловлар, яъни компенсация пуллари, харид қилинган акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган дивидентларни тўлиқ олдим. Меҳнаткашларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлган касаба уюшмаларидан миннатдорман.*

**Ҳ.ИМОМОВ,**
**Самарқанд вилояти**




### АДОЛАТ ТАНТАНАСИГА ИШОНАРДИМ

*1981 йилдан бери Шаҳрисабз «Пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлардим. 2003 йил май ойидан Меҳнат Кодекси талабларига зид равишда мени Китоб «Шуъба» корхонасига ишга ўтказишди. 3 ойдан сўнг 20 нафар ходимлар қатори Шаҳрисабз «Пахта тозалаш» бошқаруви раисининг оғзаки топшириғи билан Косон очиқ ҳиссадорлик жамиятига реконструкция ишларини амалга ошириш учун юборишди. Ўша ерда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Иш вақтида 5,7 метр баландликдан тушиб кетганим оқибатида I гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Дастлаб, даволанишим учун «Пахта саноат» ОҲЖ ва Шаҳрисабз «Кеш Зангиота» фирмаси 1 миллион сўм сарфлади. Аммо, содир этилган бахтсиз ҳодиса туфайли товон ва нафақа, касаллик варақасига тўланадиган пулларни ололмадим. Бир қатор ташкилотларга қилган мурожаатларим беҳуда кетди. Бахтимга касаба уюшмалари жонга оро кирди. Федерация Кенгашига ёзган аризам сабаб бўлиб қонуний ҳуқуқларим тикланди, адолат қарор топди. Касаллик варақаси бўйича 87 минг 300 сўм, 125 минг 536 сўм товон пули ва бир йўла тўланадиган нафақа учун 376 минг 608 сўм менинг фойдамга ундирилиб берилди.*

**М.НОРОВ,**
**I гуруҳ ногирони**

(Боши 1-бетда)

# ИНСОНГА НАФИНГ ТЕГСИН

"Аёл омон бўлса, оила омон, оила омон бўлса, жамият омон, жамият омон бўлса, давлат омон бўлади". Президентимизнинг ушбу пурҳикмат даъватлари касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонига айланди. Федерация Устави ва дастурий ҳужжатларида ҳам аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ихтиёрий касб танлаш ҳуқуқларини кенгайтириш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, тенг аъзолик ҳуқуқлари ўз аксини топган. Жамоа битимлари ва шартномаларида аёллар ва эркакларнинг бирдек ижтимоий ҳимояланишига эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳомиладор аёлларга ҳақ тўланадиган таътил, мактабгача тарбия муассасалари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун ҳақ тўлаш, қисқартирилган иш кунини ташкил қилиш, 16 ёшгача фарзанди бўлганларга ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда қўшимча дам олиш кунини жорий этиш каби кўплаб имтиёзлар берилди. Санаторий ва профилакторийларда аёллар фарзандлари билан соғлиқларини тиклаб олишлари имконияти яратилди. Бунда йўлланмаларнинг бир қисми касаба уюшмалари томонидан тўланади. Ҳисобот даврида ҳар йили 600 минг нафардан зиёд аёл қўшимча таътил олди. 20 минг нафар кўп болали аёлларга қисқартирилган иш куни белгиланди. Ҳисобот сайловлар якунига кўра касаба уюшма органлари раҳбарлари орасида аёллар сонининг ортганлиги қувончли ҳолдир. Айни кунда бошланғич ташкилот раҳбарларининг 11.661 нафари ёки 41,4 фоизи, туман кенгаши раисларининг 15 фоизи, вилоят кенгаши раисларининг 29 фоизи аёллардир.

Соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятида етакчи ўрин тутади. Шунинг учун ўтган даврда "Она ва бола", "Соғлом авлод" Давлат дастурлари асосида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Энг яхши сиҳатгоҳларда "Она ва бола" бўлимлари ташкил этилди. Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга эътибор янада кучайтирилди. 38330 нафар Оролбўйидан келган бола энг сўлим оромгоҳларда дам олдирилди. Ушбу мақсадга 23 миллиард сўм сарфланди. Айни кунда Федерация тасарруфидаги барча санаторий ва дам олиш уйлари меҳнаткашлар хизматида. Ижтимоий суғурта бюджетининг асосий қисми меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилганлиги бу борадаги ишлар кўлами нақадар кенглигидан далолат беради.

2000 - 2004 йилларда касаба уюшма органлари корхоналардан олган 53 миллиард сўмдан зиёд маблағнинг 41 миллиард сўми ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга йўналтирилди. 637 минг нафардан ортиқ меҳнаткашлар соғломлаштиришнинг барча турлари билан қамраб олинди. Оромгоҳларда 1,3 миллион нафар бола, шу жумладан, 10 мингдан зиёд етим болалар бепул дам олдирилди.

Айни кунларда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятларида қарийб 1,5 миллион аъзо шуғулланмоқда. Ушбу тизимда 67 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Улардан 20 тага яқини ихтисослашган олимпиада захиралари мактаблари ҳисобланади. Спортчилар орасида нафақат республика, шунингдек, Осиё, жаҳон ва олимпиада чемпионлари борлиги қувончлидир.

Спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Термиз ва Самарқандда турли даражадаги мусобақалар ўтказилиши мумкин бўлган ажойиб сузиш ҳавзалари барпо этилди. Навоийда эса замонавий болалар ва ўсмирлар спорт зали фойдаланишга тақдим этилди. Сиҳат-саломатлик йилида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада ортди. Буларнинг ҳаммаси касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Эркин касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг Сингапур ва Москвадаги вакиллиги билан алоқа ўрнатилди. Москвадаги вакиллик кўмагида касаба уюшма ҳаракати долзарб муаммолари юзасидан бир неча бор биргаликда халқаро семинарлар ўтказилди. Хитой, Япония ва Ҳиндистон, МДҲ мамлакатлари миллий касаба уюшма марказлари билан, шунингдек, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Халқаро Меҳнат ташкилотининг минтақавий бюроси билан ҳамкорлик янада кучайтирилди.

Касаба уюшмаларининг барча бўғинларида катта уюшқоқлик ва юқори савияда ўтган ҳисобот сайловлар нуфузли ташкилот жанговорлигини ошириш, сафларни жипслаштириш, расмиятчиликка, келишувчиликка барҳам беришда ғоят муҳим рол ўйнади. Негаки, касаба уюшма етакчилари сафи ёш, иқтидорли, билимдон, ташаббускор кадрлар ҳисобига мустаҳкамланди.

Ўтган ҳисобот даврида касаба уюшмалари фаолиятида ютуқлар билан бирга камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам қайд этилди. Ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган баъзи бошланғич ташкилот етакчиларида омилкорлик, қатъиятлик етишмаётганлиги, улар муросасозлик йўлини тутаётганлиги нуфузли ташкилот обрўсига путур етказаётганлиги кечириб бўлмас ҳолдир.

Шубҳасиз, бу қурултойда атрофлича муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Зеро, мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли, демократик жамиятнинг энг катта бойлиги инсон ва унинг қадр-қимматидир.

**А.ҚОДИРОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

### ЎЗ ИШИМГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИМ

*Касбим – шифокор. Ўз ишимни севаман. Дунёда бировнинг дардига дармон бўлишдан ортиқ бахт борми?! Айниқса, улар ўсмир-ёшлар бўлса. Ўз ишимдан қувониб тинчгина ишлаб юргандим. Адолатсизликка учрадим. Севимли касбимдан ажратмоқчи бўлишди. Бу меҳнат тўғрисидаги қонунларимизга тўғри келмаслигини англагач, ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя этишларини сўраб вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгашига мурожаат қилдим. Бу ердаги мутахассислар мени илиқ қарши олишди, аризамни текшириб, чора кўриш учун ҳуқуқшунослар жалб этилишини айтиб кўнглимни кўтаришди. Орадан бир мунча вақт ўтмай тегишли идоралар аралашуви билан адолатсизликка нуқта қўйилди. Касаба уюшмаларига суяниб янглишмаган эканман. Улар қонуний ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиб, севимли касбимга қайта тикланишимга ёрдам беришди.*

**Насиба ЮНУСОВА,**
**шифокор**

*Ташаккурнома*

### БИР МАҚОЛА ФОЙДАСИ

*Яшаш учун сув, ҳаво қанчалик зарур бўлса, инсонга ҳуқуқий ҳимоя ҳам шунчалик керак экан. Чунки, ҳаёт зиддиятларга тўла. Буни мен ўз ҳаётим мисолида кўриб, ҳис этдим. 11 йилдан ортиқ Суд тиббий экспертиза мутахассиси вазифасида меҳнат қилдим. Кутилмаганда ишдан бўшатишди. Эҳтимол, англашилмовчилик бўлгандир, балки бошқа иш билан таъминлашар, деган умидда бир неча ҳафта кутдим, аммо...*

*Адолат излаб мутасадди идораларга қайта-қайта мурожаат этдим. Тақдирим билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, ноҳақ ишдан бўшатилганимни эътироф этишса-да, мутасаддилар мени қайта ишга тиклаш масаласини пайсалга солишарди. Қарамоғимда ногирон турмуш ўртоғим, 3 нафар балоғатга етмаган фарзандим бўлишига қарамасдан менга шунчалар адолатсизлик қилишди. Охир-оқибат касаба уюшмаларига нажот излаб бордим. Шикоятни текшириш, адолатни тиклаш учун етук мутахассислар, ҳуқуқшунослар жалб этилди. Ноҳақ ишдан бўшатилганим маълум бўлди. Расмиятчилик, инсон тақдирига бепарвоcандлик бўлавергач, «Ишонч» газетасида «Жазо-меҳнат қонунларига зид» сарлавҳали мақола чоп этилди. Шундан сўнггина адолат қарор топди. Севимли касбимга қайтдим. Моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Бунинг учун ушбу нуфузли ташкилотнинг раҳбарлари, мутахассис ва ҳуқуқшуносларига ўз миннатдорчилигимни билдиришни бурчим деб биламан.*

**Р.ТОЖИҚУЛОВ,**
**Тошкент вилоят Суд тиббий экспертиза мутахассиси**

### ЯХШИЛИК ЯХШИЛИККА ҚУВВАТ

*Дўсти кўп инсон енгилмас қалъага ўхшайди. Негаки унга келган барча ташвишлар, қийинчиликлар дўстлар кўмаги билан енгиллашади. 2001 йилда ҳукумат қарори, Президентимиз раҳнамолиги билан биз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган бир гуруҳ аёллар афсонавий тоғлар орасида жойлашган гўзал манзара ва шифобахшлик хусусиятига эга бўлган «Оқтош» санаторийсида дам олиб саломатлигимизни тикладик. Бизда шифо масканидаги даволаш муолажалари, сўлим табиат манзаралари билан бирга ширин сўз, қўли енгил шифокору ҳамшираларнинг очиқ чеҳраси, ҳурмат-эътибори катта таассурот қолдирди. Мана уч йилдирки ўзимни ҳали-ҳануз соғлом ҳис қилаяпман.*

*Айниқса, шифокорлар Азиза Исроилова, Нозигул Эргашева, Гулчеҳра Саидоваларнинг меҳрли нигоҳлари, муолажалари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Касаба уюшмаларининг бизга кўрсатган меҳрибонликлари, ғамхўрликлари ҳам бир умр ширин хотира бўлиб қолади.*

**Боғдагул САИДКАМОЛОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани**









# Фермер хўжалигида касаба уюшма ташкилоти

***Истиқлол эпкинлари қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштиришнинг жаҳон деҳқончилиги тажрибасида синалган усулларидан унумли фойдаланишга йўл очиб берди. Зеро, ерга эгалик ҳиссини туйиш, мулкдор бўлиб ўз тажрибасини синаб кўриш орзуси бошқалар сингари андижонлик миришкорларнинг ҳам шууридан жой олганди.***

## ТАДБИРЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Ана шу тажриба илк бор вилоятдаги Избоскан тумани тасарруфида жойлашган «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида синаб кўрилганида деҳқонлар ҳеч иккиланмай имкони ва шароитига қараб экин экишга киришишганди. Мана, ўшанга ҳам роса 15 йил бўлибди. Ҳозирги кунда ширкатнинг асосий экин майдонлари 759 та оила пудратчиларига бўлиб берилган. Ҳар қайси пудратчи қанча даласи бор, сарфланган харажати йил якунида қандай даромад келтиради, тежамкорлик каби ҳисоб-китобларнинг ҳадисини олган.

Муҳими, пахтачиликда оила пудрати бўйича иш юритаётганларнинг ошиғи-олчи. Чунки қилинаётган ҳалол меҳнат ҳисобига йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб, маҳсулот сифати яхшиланиб бораётир. Бу ҳам давлатга, ҳам ўзига мўмай даромад топиш манбаига айланган.

Ширкат давлатга пилла, дон ва пахта сотиш режаларини нафақат туманда, балки вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб уддалаб келаётир. Зиммадаги режаларнинг саксон фоизи оила пудратчилари улушига тўғри келади. Бош пудратчилар Ҳ.Асқаров, Н.Турғунов, Т.Бобохонов, Б.Саидалиев сингари яна ўнлаб миришкорлар гектаридан юқори ҳосил етиштириш ҳадисини олганлардан.

– «Ўзбекистон» ширкатини вилоятда рентабелли хўжаликлардан бири дейишга асос бор. Масалан, дастлабки хомчўтларга кўра пахтадан 600 миллион сўм, ғаллачиликдан 210 миллион сўм ва бошқа соҳалардан ҳам мўмайгина фойда кутилаётир. Ана шу даромадлар ҳисобидан ўтган ойларда тасарруфдаги 4 та қишлоқ ободонлаштирилиб, кўчаларга асфальт ётқизилди, янги участкалар электр энергияси ва газ, ичимлик суви билан таъминланди.

— Булардан ташқари 6 та болалар боғчаси таъмирланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилаётир. 2 та ўрта мактаб, 1 та тўққиз йиллик ва 1 та ихтисослашган мактабларга ҳомийлик кўрсатилаётир. 3 та гузар, 2 та ихтисослашган 40 ўринли тикиш-бичиш цехлари, 4 та уста-шогирд мактаблари, ҳунармандчилик цехлари кабилар шу йил ҳисобидан қурилиб, фойдаланишга топширилди, – дейди ширкат касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Аҳмедов.

Самарали меҳнат қилган киши яхши дам олишни ҳам истайди. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва улар соғлигини тиклаш масаласи хўжалик маъмурияти ҳамда касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ўз аксини топган. Ўтган йилда ана шу мақсад учун 4,5 миллион сўм сарфланган бўлса жорий йилнинг тўққиз ойида бу бир ярим бараварга кўпайди. 30 нафар ишчи Куйганёрдаги сиҳатгоҳга, 4 киши «Чинобод», 3 киши «Турон» ва 4 киши «Чортоқ» санаторийсида дам олдирилиб, соғлиқлари тикланди. Шунингдек, маҳаллалардаги 8 та кам таъминланган оилалар, 9 нафар уруш фахрийлари ва 10 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳам оталиққа олинган бўлиб, уларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улашилаётир. Ҳар чоракда 2 нафар кишини санаторийда соғломлаштириш қатъий белгиланган.

Ишлаб чиқаришда даромад манбаи қанчалик ортса, саховатли ишлар сари шунча кўп йўл очилавераркан. Бу борада айниқса, касаба уюшмасининг тутган ўрни бўлакча. Рости, илгарилари ишчиларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласи унчалик кўнгилдагидек эмасди. Икки йилдирки, маъмурият ва касабақўм ташаббуси билан ширкатда ана шу масала узил-кесил ҳал этилди. Шу кунгача 1529 нафар ишчининг 600 нафарига 1 миллион 565 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Хўжаликда ишлаб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган 16 нафар нуронийга эса қўшимча нафақа ажратилди.

Ширкат тасарруфида аҳамиятга молик яна бир нарса бор, яъни одамларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши таъминланган. Меҳнатдан сўнг истаган киши маданият саройига, кутубхона ёки чойхонага бориб, ҳордиқ чиқариши учун етарли шароитлар яратилган. Спорт заллари, стадион ёшлар хизматида. Буларнинг барчаси мустақиллик йилларида шу заминда яшаб, меҳнат қилаётган кишилар қўли билан бунёд этилган. Хўжалик фаолларининг таъкидлашича, ҳали олдинда режалар бир талай. Даромад ҳисобидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шу ерда қайта ишлаш цехлари қуриб, ёшларни ишга жалб этиш мақсад қилиб қўйилган. Миришкорлар ниятлари рўёбга чиқишини бугун улар амалга ошираётган ишлардан англаб олиш унчалик қийин эмас.

**Маъруфжон МАЪДИЕВ,**
**ишчи**

## УРГАНЧЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ердан унумли фойдаланиб, баракали ҳосил етиштириш имконини бераётир. Экин майдонлари фермерлар ихтиёрига топширилган. Янги усулга ўтиб ишлаш осон кечаётгани йўқ. Бироқ ишбилармонлик ва ташаббусларга ҳукуматимиз томонидан шароитлар яратилгани ҳамда илғор тажрибаларга таяниш натижалари зое кетмаяпти.

Сарҳисоб бўйича туман фермерларининг ялпи ҳосилга қўшган улушлари 72 фоизни ташкил этди. Ҳосилдорлик хўжаликларникига қараганда гектарига 4,5 центнердан кўпайиб, маҳсулот таннархи эса бир неча баробарга арзонлашди. Муҳими, фермерлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан бирга етти минг нафар кишини доимий иш билан таъминлаб, улар моддий фаровонлигининг юксалишига ҳисса қўшишмоқда.

Бир масала, мулк шакли ўзгарган корхона ёки жамоаларда ишчи манфаатини бошланғич бўғинда ким ҳимоя этади, ёҳуд унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги суянчиғи ким бўлади, деган фикрлар туғилиши табиий. Мавжуд фермерларнинг кўпчилиги деҳқончиликда суяги қотган ва касаба уюшма аъзоси бўлганлардан. Шу боис ишчилар сони ва экин майдонининг ҳажмига қараб улар таркибида ишлаб чиқаришдан ажралган ва бевосита меҳнат жараёнида қатнашаётган касаба уюшма етакчилари фаолият кўрсатаётир.

Масалан, «Баҳром», «Дўрмон-2001», «Жаҳонгир», «Ражаб-Тоҳир», «Анвар» каби ўнлаб фермер хўжаликларининг меҳнат аҳли касаба уюшмалари мададидан манфаатдор ва муаммоларини бартараф этишда мулкдор ҳам, ишчи ҳам доимо унга таянади.

Кейинги йилларда фермерликнинг ривожланаётганлиги маҳсулот унумдорлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Шу қаторда меҳнат аҳли жамоа бўлиб ишлаган даврдагига нисбатан кўп манфаат топаётганлиги қувонарли ҳол. Таққослаб кўрилса, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бир мисол. Ўтган тўрт йил мобайнида туман хўжаликларидан 35 нафар ишчи республика санаторийларига йўлланма олиб, соғлигини тиклаб қайтган бўлса, фермер, ишчилардан 53 нафари бу жойларда дам олдирилди. Ёки ширкатлардан 110 нафар киши Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларни зиёрат қилишган, фермер уюштирган саёҳатларда эса 200 нафардан зиёд киши ана шундай қадамжоларни бориб кўришган.

Бу ва шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг барчасида касаба уюшмалари етакчиларининг алоҳида ўрни бор. Мулк шакли ўзгаришидан қатъий назар инсонга наф келтириш ва ишчи ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида касаба уюшмалари фермерлар билан ҳамкорликни ривожлантириб келаяпти.

– Касаба уюшмалари етакчилари ишчига шароитлар яратиб бериб, уни қўллаб-қувватлаш қаторида, фермерларга ҳам кўп ҳолларда мадад бўлмоқда. Ўтган йили иккита фермеримиз ишлаб чиқаришни жадаллаштирган бўлса-да, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаганлиги учун чув тушиб қолди. – Бошланғич касаба уюшма ташкилоти саъй-ҳаракати туфайли муаммо қонун доирасида бартараф этилди, – дейди Урганч туман фермерлари касаба уюшма ташкилоти раиси Қ.Ҳайитов.

«Баҳром» фермер хўжалиги ва касаба уюшмасидан миннатдормиз, дея фикрини изоҳлайди, бригада бошлиғи Аллаберган Шерматов. Жамоамиз меҳнатига яраша ойликдан ташқари тақдирланиб борилмоқда. Шу кунгача 3 киши санаторийга йўлланма олди, 6 нафар ишчи эса моддий рағбатлантирилди. Мавсум якунида бригадамизнинг энг илғор ишчиси Э.Рўзматов гилам ва эллик минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Урганч тумани фермерлари касаба уюшмаларидаги саъй-ҳаракатлар мутасаддилар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида банд бўлган тадбиркорлар ҳамда ишбилармонларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Зеро, касаба уюшма бор жойда меҳнат интизоми бузилмайди, ишчи ва иш берувчи қадри ортади, унумдорлик барқарорлашади, рақобат шаклланади.

**Рустам ЭЛДОРОВ**





## ЎЗИМИЗНИНГ КАСАБА УЮШМАМИЗ БЎЛАДИ

### - дейди "Асролбек-98" фермер хўжалиги раҳбари А.Қаландаров

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири мулкдорлар синфининг ўзагини ташкил этувчи ишбилармонликни ривожлантириб, янги ишчи ўринлари барпо этишдан иборат.

Мустақиллик берган эпкинлар туфайли ҳар бир жабҳада ишлаб чиқариш ва сифатли маҳсулот етиштиришга имкон яратилди. Наманган туманидаги "Асролбек-98" фермер хўжалиги етти йилдирки 35 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, пилла, ғалла ва пахта ҳосили етиштиришда тумандаги ҳамкасблари орасида карвонбошилик қилиб келаётир. Унинг бизнес-режасидан мўл ҳосил етиштириб, мўмай даромад олишдан ташқари аҳолини иш билан таъминлаш ва кам даромадлиларни моддий қўллаб-қувватлаш, кичик корхоналар қуриб, янги иш ўринларини барпо этиш масаласи ҳам кенг ўрин олган.

Албатта "шаф-шаф" дегани билан шафтоли пишавермайди. Ҳар қандай ниятнинг рўёб топиши учун изланиш, ташаббускорлик кўрсатиш, одамлар бошини қовуштириб, ишни ташкиллаштириш ҳам бош омиллардан биридир. Истиқболли режа асосида ўтган даврда тадбиркор тумандаги 26-, 27-ўрта мактабларни ва битта болалар боғчасини оталиққа олди. Ҳар йили ишлаб топилган маблағ ҳисобидан иккала илмгоҳни ва кичкинтойлар масканини тўлиқ таъмирлаб беради. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан уларга улашади ҳамда саккиз нафар аълочи ўқувчига фермер ўз ҳисобидан стипендия таъсис этган.

Булардан ташқари "Хонаобод" ва "1-Қоратепа" маҳаллаларидан 14 нафар боқувчисини йўқотган, 4 та кам даромадли оилалар ҳам оталиққа олинган. Тежалган маблағ ҳисобидан ҳар жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган икки қаватли маҳалла фуқаролар йиғини биноси ва милиция таянч пункти қурилиб, қишлоқдошларга туҳфа этилди. Айни вақтда шу иншоотларга ёндош бунёд этилган спорт майдончаларидан катталар ҳам, ёшлар ҳам баҳраманд бўлишаётир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ободонлаштиришда фаол иштирок этиб келаётган фермер хўжалиги аъзолари бир неча бор туман ва вилоят "Ташаббус" кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринлар соҳиби бўлган, Япония грантини қўлга киритган.

Тадбиркор фермернинг бу каби ишлари туман мутасаддиларини бефарқ қолдирмади. Унга яна қўшимча ер майдони ажратишди. Эндиликда 70 нафар кишидан иборат жамоа эл маъмурчилигини таъминлашда ва қишлоқ хўжалигидан сифатли маҳсулотлар етиштиришда камарбасталик қилишмоқда. Фермернинг ишбилармонлиги, соҳасини пухта ўзлаштирганлиги ва муҳими, меҳнат аҳлида ишлаб чиқаришга иштиёқ баландлиги боис йилдан-йилга режалар ортиғи билан уддаланиб, даромад манбаи, турмуш фаровонлиги яхшиланаётир.

Жамоа раҳбари Аҳрорхон Қаландаровнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда барча ишлар меъёрида бораётир. Бироқ битта муаммо уни доим қийнайди, яъни фермер хўжалигида касаба уюшма ташкилотининг ҳанузгача ташкил этилмагани фаолият меъзонидаги айрим ишларда панд бераётган экан.

— Ишлаб чиқариш кўлами кенг, асосан молия ишлари билан банд бўламан, ташкилот ва корхоналарга бориш кунда бўлмаса ҳам кунора бор, - дейди у. — Жамоа билан иш юритиш, ҳар бир ишчининг муаммосини ўрнида бартараф этиш, керакли пайтда унга мадад қўлини чўзишда касаба уюшма қўмитасининг ўрни бўлакча. Муаммомизга барҳам бериш мақсадида туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Яқин орада ўз уюшмамиз ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда фаолият кўрсатадиган касабақўмимиз бўлиши тайин. Энг муҳими, меҳнат аҳли билан бу ҳақда келишиб олганмиз. Улар тўлиқ қўллаб-қувватлашмоқда. Зеро, касаба уюшмаси ходимлар ва ишчилар манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи ягона ташкилот. Шундай экан, ундан хўжалигимиз ҳам, ишчиларимиз ҳам фойдаланиши, манфаат кўриши ва унга таяниши лозим.

**Қаҳрамон МУРОДОВ**

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда унинг асосида мулкдорлар синфини шакллантириб, аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор бериб келинаётир. Бу борада қабул қилинган қонунлар истеъмол бозорини сифатли маҳсулотларга тўлдиришга ва янги ишчи ўринлари барпо этишга омил бўлаётир.

## ЁШЛАР СЕВГАН КАСБЛАРИДА

Данғара туманидаги "Найманча" атлас ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатлилиги ва бежиримлиги билан рақобат бозорида аллақачон ўз истеъмолчиларини топа олди. Дастлаб зарур дастгоҳлар келтирилиб, жой ҳозирланди, сўнг қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган ишчи кучи ва хонадонларда ишсиз қолган хотин-қизлар жалб этилиб, ихтисослаштирилди ва қисқа муддатли курсларда ўқитилди.

Айни пайтда ана шу корхонада 50 нафардан зиёд хотин-қиз ва ёшлар иш билан таъминланган. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ҳам туманнинг ўзидан топилди. Аниқроғи, "Пилла" масъулияти чекланган жамият билан ҳамкорлик қилингани 3700 килограмм кумуш толани шу жойнинг ўзида қайта ишлашга имкон берди.

Корхонада ишлаб топилган фойда ҳисобидан ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилган. Ҳар чоракда 10 нафар ишчи "Рапқон" санаторийсида дам олдирилиб, соғлиқларини тиклаб қайтишади. Шунингдек, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида илғорлар қўшимча рағбатлантирилади. Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида қабул қилинган жамоа шартномасига биноан ишчиларга етарлича шарт-шароитлар яратилаётир. Жумладан, маошдан ташқари сут, қатиқ маҳсулотлари корхона ҳисобидан берилаётир.

Жамоа аҳли хайр-саховатли ишларда ҳам бош қўшиб келаяпти. Тумандаги 5 та кам таъминланган хонадонни ва битта кичкинтойлар масканини оталиққа олган. Байрам ва тадбирларда меҳнат фахрийларидан 6 нафар киши, уруш қатнашчиларидан 4 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилаётир. Олдинда эса режалар бир талай. Ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги цехларни қуриш ва маҳсулот турини кўпайтириш ҳамда яна 50 нафар кишини иш билан таъминлаш, шулар жумласидан.

**О.ШОКИРОВА,**
**«Найманча» хусусий корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ЧЎЛ ФИДОЙИЛАР МАСКАНИ

Азимхон Усмонов номли фермер хўжалиги Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида жойлашган. Барча соҳаларда ҳамиша ўз олдига қўйган мақсадига эришаётган ишбилармонлар сирасидан. Режаларни уддалашда ҳамиша ишчиларга ва фермер хўжалиги тасарруфида ташкил топган касаба уюшма ташкилоти саъй-ҳаракатига таянади. Мавсумолди далаларини айланаётган фермерга бу гал ҳам касабақўмнинг таклифи қўл келди.

– Ҳосил мўл бўлибди, эртадан теримни бошламасак бўлмайдиган кўринади, – дея таъкидлади А.Усмонов етакчи Р.Муродовга юзланаркан.

– Тўғри, аммо йиғим-теримдан аввал бир иш қилсак, янада яхши бўларди, — жавоб қайтараркан у бир йўла ўз фикрини ҳам изоҳлади: икки ойдан буён ишчиларимиз ёлчитиб маош олгани йўқ. Маблағ ажратиб, тарқатсак, шунингдек, ун, ёғ, гуруч каби маҳсулотлар ҳам ўзимизда бор. Хирмонимизни бунёд этишда жуда қўл келарди...

Бир неча йилдан буён фаолият юритаётган фермер қайси ишга қўл урмасин албатта касабақўм раиси билан маслаҳатлашиб фикрлашади, унинг таклифларига қулоқ тутади. Шу боисдан туман фермерлари орасида ҳамиша ўз ўрнига эга, ишлаб чиқаришда эса режалар ортиғи билан уддаланмоқда. Пахта ҳосили мўл бўлди. Гектарига 21 центнер ўрнига 26 центнердан, ғалла эса 36-38 центнердан тош босди. Аслида ишбилармон фермернинг саъй-ҳаракатида бу кўрсаткич чўт эмас, бироқ Қизириқ чўлларида қисқа даврда бундай натижаларга эришишнинг ўзи меҳнатга муносабатнинг ўзгараётгани ва ҳамкорликнинг қарор топганлигидандир.

Фермер бисотидаги далаларда 35 нафар ишчи бор. Ишни такомиллаштиришда даставвал рағбатга эътибор кучайтирилди. Ҳар бир ишчи билан йил бошиданоқ истиқболли шартнома тузилади ва унга амал қилинади. Дарвоқе, ана шу шартномада келишиб олинган бандларга мувофиқ ойлик маош 20 минг сўмдан 36 минг сўмга кўтарилди. Қўшимча тарзда ўзларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда.

Шуниси эътиборлики, далада ишлаётганларнинг қарийб 20 фоизи меҳнат таътилида турли санаторийларда дам олиб, соғлигини тиклашга эришди. Икки нафар кам даромадли оила жамоа шартномасига кўра оталиққа олинган. Байрам ва тадбирлар ишчиларни рағбатлантиришсиз ўтмайди. Дала шийпонида ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат бепул берилади.

Фермер ва унинг таркибида ташкил топган касаба уюшмасининг афзаллиги шундаки, шартнома шартларини бажаришда аниқ режа асосида иш юритилади. Масалан, маошларда узилиш бўлмайди ёки айрим хўжаликлардаги сингари зарурат туғилганда ишчи ҳали раисга, ҳисобчига ва яна аллакимларга учраб юрмайди. Чунки жамоа кичкина, раҳбар ҳам, касабақўм ҳам ҳамиша бирга. Муаммолар туғилса, шу жойнинг ўзида осонгина ҳал этилади.

**Одилжон РЎЗИЕВ,**
**Қизириқ тумани**

***Бугунги кунда республикамизда 126 минг фермер хўжалиги мавжуд. Уларга етарли миқдори ер ажратилган. Мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг 67 фоизи, ғалланинг 71 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келади.***





## ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Жорий йилда «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги агросаноат мажмуи соҳаларидан мўл ва сифатли маҳсулот етиштиришда Шаҳрихон туманида пешқадамлардан бирига айланди. Хомчўтларга кўра, сарҳисобда 367 миллион сўм соф даромад олиш кутилмоқда. Унинг асосий қисми ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қишлоқларни ободонлаштириш ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга сарфланиши режалаштирилаётир.

Йил бошидан қабул қилинган жамоа шартномасига биноан Сиҳат-саломатлик йилида ширкатда ишлаётган хотин-қизлардан 21 нафари вилоятдаги соғломлаштириш масканларида дам олдирилаяпти. Шунингдек, маҳаллаларда газ, сув тармоқлари тортиш, қўшимча иш ўринлари яратиш тадбирлари олиб борилмоқда.

**Алижон САИДОВ,**
**жамоатчи мухбир**

***Ўз-ўзини иқтисодий таъминлай олмаган ширкат ва хўжаликлар тасарруфидаги экин майдонлари тадбиркор-ишбилармонларга тендер асосида тарқатилаётгани асл деҳқоннинг кўнглидаги иш бўлди. Ўйлаб қаралса, бугунги кунда бозор иқтисоди талаби барча соҳада ҳам ислоҳотларни ана шу йўсинда жадаллаштиришни тақозо этаётир.***

## СУЮНЧИ ПУЛИ

### уни бизга ким беради

Нафақахўр сифатида фикрларимни матбуот орқали билдираётганим бежиз эмас. Меҳнат фаолиятимнинг 45 йилдан ортиқроғи дала-даштда, пахта экиш ва ғалла етиштиришда ўтди. Гурлан туманида жойлашган Янгиобод ширкат хўжалигимиз кейинги йилларда агросаноат мажмуи олдига қўйилаётган талаблар ижросини таъминлашда ва иқтисодни ривожлантириб, ижтимоий масалаларни кенг шакллантириш ҳамда меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофазалашдек долзарб ишларда сусткашликка йўл қўйди. Натижада хўжалик гарданигача қарзга ботди. Унинг таркибида шаклланган элликдан ортиқ мулкдорлар дастлабки кундан иш услубини ўзлаштириб, фаолиятларини бошлаб юборишди. Насиб этса аста-секин унинг самараси бўйлайди.

Аммо мулк шаклининг ўзгариши жараёнидаги айрим муаммолар хусусида сўз юритмоқчиман. Зеро, у нафақат туманимиздаги фермерлар учун, балки республикамиз агросаноат тармоқларида фаолият юритаётган барча ишбилармонларга асқотиши мумкин. Гап шундаки, ширкатимизда икки йил аввал иш бошлаган «Дўстлик» фермер хўжалигида ўғлим ва келиним меҳнат қилишади. Пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштириб, эндиликда элга танилди, иқтисоди ҳам анча бақувватлашди. Агар хоҳиш бўлса ижтимоий масалаларда кўплаб ташаббуслар кўрсатиш имконига эга. Келиним Д.Алламова фарзандлик бўлди. Набира кўрганимиздан қувончимиз чексиз эди. Ширкат даврида аёл киши фарзандлик бўлса унга суюнчи пули, шунингдек, 2 йилгача бола тарбияси учун нафақа тўланарди. Лекин «Дўстлик» фермер хўжалигида бунинг акси бўлиб чиқди. Қайта-қайта мурожаат қилишимизга қарамай, ҳамон суюнчи пулини бериш пайсалга солинмоқда. Аслида бу юмушлар касаба уюшма ташкилоти орқали амалга ошириларди.

Экин майдонларидан баракали ҳосил етиштиришни фермерларимиз ўз зиммасига олиб, саъй-ҳаракатлар қилишяпти. Бу ҳаммамизнинг кўнглимиздаги иш. Бироқ аксарият фермерларда ишловчи ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза этувчи касаба уюшмаси йўқ. Бундан ташқари, меҳнат аҳли иш стажини ҳисобга олиш, касаллик варақасини қайд этиш ҳам ўлда-жўлда. Назаримда келгусида бу муҳим масалаларни фермерлар эътиборга олишса, фойдадан холи бўлмасди. Ахир, ким бўлмайлик қаердадир ишлашимиз ва вақти келиб нафақага чиқишимиз керак. Меҳнат қонунларида белгиланишича, айни шу пайтда аввало иш стажи инобатга олинади. Шундай дамларда ишчи қайси соҳада, қанча маблағ олиб, қаерда ишлаганлиги хусусидаги кафолатни ким беради? Фермерлар бу жиҳатларни унутишмаса яхши бўларди.

**Аминжон АЛЛАМОВ,**
**Гурлан туманидаги Янгиҳаёт қишлоғи**

***Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани соҳада янги технологияларнинг кириб келишига ва сифатли маҳсулот етиштиришга имкон яратди. Боз устига, бозор шароити қўяётган талаблар кимнинг ким эканлигини ҳам кўрсатмоқда. Оққўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигини вилоятда билмаган киши бўлмаса керак. Бироқ ташаббус ва тадбиркорлик қўллаб-қувватланмагач, ишлаб чиқаришга путур етди. Одамларнинг меҳнатдан кўнгли совиди. Шу хўжаликка узоқ йиллар меҳнати синган Раҳматилла ака бошига ташвиш тушганида аввал раис, сўнг касабақўмга ёрдам сўраб борди. Аммо на униси, на буниси мушкулини осон қилолди.***

## МИРИШКОР МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

«Покиза-М» фермер хўжалигида иш бошлаганида ҳали оилавий муаммо барҳам топмаганди. Жамоа раҳбари ўша кунийёқ чигалликка нуқта қўйди, яъни рўзғорини тиклаб олишга етарли маблағ ва маҳсулот ажратди. Фермернинг меҳнат аҳлини қадрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларидан бири бу. Аслида 100 нафардан ортиқ ишчининг ҳар бири ана шундай эъзозда.

Катта жамоанинг ташвишлари ҳам шунга лойиқ бўларкан. Фермернинг ўзи барча ишларга улгуролмаслиги турган гап. Шу боис, икки йил аввал жамоасининг якуний йиғилишида бошқа масалалар қаторида бошланғич ташкилот тузиш таклифини киритди...

Жамоа шартномасида белгиланган бандлар асосида фаолиятимиз мезонини ривожлантириб келяпмиз. Ҳар бир ишчи ижтимоий муҳофазага олинган. Меҳнатдан ташқари бўш вақтларда уларни маданий дам олдириш, саёҳатлар уюштириш, фарзандларини оромгоҳларга юбориш дастурини ишлаб чиққанмиз ва унга қатъий риоя этилади.

Ана шу мақсад учун ўтган йили беш миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. 12 нафар кўп болали ишчилар касаба уюшмаси таклифига асосан фермер хўжалиги оталиғида. Бундан ташқари, ишчиларга барча шароитлар яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат қаторида ўзаро мусобақаларни ҳам ташкил этганмиз. Фермер ва касаба уюшма ҳамкорлигида яқинда режаларимиз уддаланганлиги муносабати билан тадбир ўтказдик. Дала бошида дошқозонда ош дамланди. Жамоамиздаги энг илғор ишчиларга шу куни гилам, қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари берилди.

Шунингдек, дастуримизда белгиланган тадбирларга кўра маҳаллалардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилалардан 67 тасига бир миллион сўмликдан зиёдроқ хайр-эҳсон қилинди. Касаба уюшма ташкилотининг фермер билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланяпти. Масалан, шу кунгача 8 нафар кишининг соғлиги тикланди, 24 нафар киши саёҳатларда бўлиб қайтди. Меҳнат аҳлининг 70 фоизи фермер ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Яратиб берилаётган бу каби шароитлар иш унумини ошириб, сифатли маҳсулот етиштиришнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда.

Умуман олганда, фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотининг фаолият кўрсатишида афзалликлар жуда кўп экан. Аввало тадбирлар жамоа хўжалигиникига нисбатан ихчам ва ижросини таъминлаш ҳам қулай кечаркан.

**Ҳамза ҚОДИРОВ,**
**«Покиза-М» фермер хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Касаба уюшмалари спорти





Юлдузларимиз

# КЕЛЕСЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Бугун унинг номи кўпчиликка яхши маълум. Чунки у ҳар бир спортчи орзу қилган энг юксак чўққини забт эта олган, иродали ва матонатли ёшларимиздан.

Дилшод Мансуров 1983 йил 12 декабр куни Тошкент тумани, Келес шаҳрида таваллуд топган. Мактабнинг 2-синфида ўқиётган Дилшод бир куни тасодифан спорт залига кириб қолади. У бу ерда ўтказилаётган машғулотларни кўриб, эркин кураш спорт турини ёқтириб қолади.

Мураббий Нурлан Жаксаликов боладаги интилиш ва иштиёқни кўриб, уни машғулотларга таклиф этди. Устоз ва шогирднинг чин юракдан қилган машғулотлари аста-секинлик билан ўз мевасини бера бошлади.

1998 йил Бутунжаҳон ёшлар ўйинларида илк бор иштирок этган Дилшод шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Илк муваффақият уни тинимиз изланиш ва машғулотлар сари ундади. Келаси йили Сиднейда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. 2000 йил Францияда кечган мусобақада ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Эришган ютуқлари туфайли 2001 йил эркин кураш бўйича мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинди.

Спорт ҳаётидаги энг катта ютуққа у 2003 йил Нью-Йоркдаги машҳур «Медиссон Сквер Гарден» спорт саройида бўлиб ўтган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида эришди. Ўзининг 55 килограммли вазнида гиламга тушган ҳамюртимиз барча рақибларини мағлуб этиб, катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони, деган унвонни қўлга киритди. Бу ғалаба унга Афина Олимпиадаси йўлланмасини берди.

Афина гиламларида у бироз толиққани туфайли саралашнинг иккинчи босқичида номдор рақибига имкониятни бой берди. Кўпчилик ўшанда энди Дилшод ҳам «чарчабди» деб ўйлаганди. Бироқ, у ўз ирода ва матонатини намойиш этишдан чарчамайди. Шу йил баҳорида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Мустақиллик кубоги» халқаро турнирида буни исботлади. Ва ниҳоят яқинда Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Дилшод ўз вазнида дунёнинг энг кучли эркин курашчиси эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Эндигина 22 баҳорни қаршилаган Дилшод Мансуров кўплаб нуфузли мусобақаларда юрт шарафини муносиб ҳимоя қилиш, Ватан байроғини сарбаланд этиш ўзининг энг катта бурчи эканлигини жуда яхши билади. У эркин кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, ёшлар ва катталар ўртасида Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби унвонлари сафига Олимпиада ўйинлари ғолиби, деган номни ҳам қўшиб қўйишни орзу қилади. Ёш полвонга биз ҳам жаҳон гиламларида доимо муздаффарлик насиб этишини тилаймиз

**Алексей ЧЕГЛАКОВ,**
**XIV Осиё ўйинлари совриндори**

***Ўтган 2004 йилнинг ёз ойлари. Ҳамманинг нигоҳи Афинада бўлиб ўтаётган Олимпиада ўйинларига қаратилган. Бир-биридан қизиқ беллашувлар мухлисларга олам-олам завқ бахш этади. Ўз ватани шарафи учун курашаётган спортчилар ҳал қилувчи паллага етиб келишди.***

# АФИНАДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Юнон-рум кураши мусобақаларининг финалида ҳамюртимиз Александр Доктурашвили рақибини анча устунлик билан мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон халқи оёққа қалқиди. Чунки дастлабки олтин медал қўлга киритилди. Уни касаба уюшмалари спорт мактаби тарбияланувчиси Александр Доктурашвили мухлисларга туҳфа этди.

Александр Доктурашвили - 1980 йил 4 майда таваллуд топган. Халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, Европа ва Осиё чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.

Александр ҳали Афина сари йўл олмай туриб, журналистлар билан мулоқотда «Спортчиларнинг ҳам ўз иримлари бўлади. Улар ўзларига омад келтирган мамлакат ва шаҳарларни ўзгача меҳр билан севишади. Греция мен учун ҳам шундай қадрли. Чунки, 2001 йили шу мамлакатда Европа чемпионлигини қўлга киритганман. Худо хоҳласа бу гал ҳам Афинадан ғолиб бўлиб қайтаман. Бунинг учун куч ва маҳоратим етади» деганди.

Александр ваъдасининг устидан чиқди.

***Касаба уюшма спортчилари халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Айниқса, Оксана Чусовитина, Антон Ряхов, Дилшод Орипов, Олим Худойқулов, Равил Нечаев, Беҳзод Хидиров, Дилшод Мансуров, Александр Доктурашвили сингари моҳир спортчилар нуфузли мусобақалар — Олимпиада баҳслари, Жаҳон кубоги ва чемпионати, қитъа биринчиликлари, Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этишмоқда.***

***Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари томонидан қўлга киритилган 51 та медалнинг 31 таси касаба уюшма вакилларига тегишлидир.***

***Гимнастикачи Оксана Чусовитина 2 та олтин ва 2 та кумуш, байдаркачи Антон Ряхов 1 та олтин ва 2 та кумуш медал соҳибларига айланди. Антонина Москалёва, Надежда Пишулина, Юлия Борзова (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Равил Нечаев (сузиш), Алексей Чеглаков (юнон-рум кураши), Дилшод Мансуров (эркин кураш)лар кўксини олтин медаллар безади.***

***МДҲ спортчилари ўртасида I Халқаро ўсмирлар ўйинларида енгил атлетикачи Светлана Родзевил кумуш медал билан тақдирланди. Д.Ҳамроқулов шоҳмотчилар ўртасида 4-ўринни эгаллади.***

***Республика болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Антон Ряхов жаҳон кубогининг Германия ва Польшада ўтказилган босқич беллашувларида 2 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритди. Юлия Борзова эса иккинчи ўринга кўтарилди. Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионатида уларга биттадан кумуш ва бронза медаллари насиб этди.***

***2003 йил 16 сентябр. Нью-Йоркдаги "Medisson Square Garden" спорт саройида Дилшод Мансуров эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида 55 килограмм вазнда ғолибликни қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоси барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ер куррасида тенгсиз эканлигини исботлади. 20 ёшида жаҳон чемпиони бўлган Дилшод Мансуров 2003 йил сўров натижаларига кўра, "Йилнинг энг яхши спортчиси" деб тан олинди.***

***2004 йил Афина олимпиадаси. Касаба уюшма спортчиси Александр Доктурашвили ватанимизга илк олтин медални туҳфа этди.***

***Яқинда Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида 55 килограммда гиламга тушган Дилшод Мансуров иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.***

***Мустақиллик йилларида барча соҳада бўлгани каби жисмоний тарбия ва спортга ҳам катта эътибор берилди. Кўплаб замонавий спорт кошоналари қад ростлади, янги-янги ўйингоҳлар, спорт майдончалари қуриб битказилди. Бир сўз билан айтганда, спорт ихлосмандлари учун барча шароитлар муҳайё. Ўсиб келаётган ёш авлодга яратилган шароитлар ҳавас қиларли даражада.***

# ЎЗБЕКИСТОН — СПОРТ МАМЛАКАТИ

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ўйинларининг ўтказилиши ақлан ва жисмонан комил ёшларни вояга етказишда муҳим рол ўйнаш баробарида халқаро майдонларда ҳур Ватанимиз шон-шарафини муносиб ҳимоя қилувчи чемпионларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Бинобарин, меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш орқали соғломлаштиришни таъминлаш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.



Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши кўплаб хайрли ишларга туртки бўлиш билан бирга, жойларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиборни кучайтирди. Инчунун, инсон саломатлиги бош омил қилиб белгиланган "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурида ҳам жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият берилган. Аёнки, меҳнат жамоаларида спорт оммавийлигини юқори босқичга кўтариш, олдинга қўйилган муҳим вазифаларни ижобий ҳал этиш, ҳар бир жамоада мусобақаларни кенг ва мунтазам ўтказиб бориш туфайлигина мақсадга эришиш мумкин. Шунинг баробарида истеъдодли болалар, ўсмир ва ёшларимизга катта имкониятлар яратиш лозим. Ахир, улар келгусида халқаро майдонларда ҳур Ўзбекистонимиз шарафи учун беллашадилар.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда спортчиларимиз ўнлаб нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини сарбаланд этдилар. Халқ ўйинлари қайта тикланди. Ўзида мардлик ва ҳалолликни мужассам этган ажойиб спорт туримиз - ўзбек кураши мутахассислар, мухлислар, халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлди. Курашимизнинг ҳар икки тури бўйича жаҳон, қитъа ва бошқа халқаро турнирлар ўтказиб келинмоқда. Албатта, бу улкан ютуқларда касаба уюшма спорти вакилларининг ҳам катта ҳиссаси борлиги келгусидаги муҳим вазифаларни муваффақият билан адо этиш учун катта куч бағишлайди.

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастур-режа асосида иш олиб борилмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш мақсадида 5863 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клуби фаолият кўрсатяпти. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзолари сони салкам 1 миллион 431 мингтага етди. Бугун 777 минг нафардан ортиқ киши спорт билан мунтазам равишда соғломлаштиришга йўналтирилган тўгарак ва гуруҳларда шуғулланмоқда. Бунга 1516 нафардан зиёд малакали мураббийлар жалб этилган. Шунингдек, тизимимизда 67 та БЎСМ, 18 та Олимпия заҳиралари махсус спорт мактаблари бўлиб, уларда 784 нафар малакали мураббий ёшларга сабоқ бераяпти. 29 та ўйингоҳ, 12 та спорт зали, 12 та сузиш ҳавзаси ва кўплаб спорт майдонлари шуғулланувчилар ихтиёрида. Оммавийликни таъминлаш мақсадида спорт-соғломлаштириш гуруҳларида 104 нафар, бошланғич тайёрлов гуруҳларида 9252 нафар, ўқув-машғулот гуруҳларида 9611 нафар, спорт маҳоратини ошириш гуруҳларида 200 нафар ёшлар мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан ҳар йили кўплаб мусобақалар уюштирилмоқда. Наврўз ва Мустақиллик байрамларига бағишлаб ўтказилаётган оммавий спорт тадбирлари, айниқса, зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда. Унда иштирок этган меҳнаткашлар маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга ўз саломатликларини ҳам мустаҳкамлашмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган хотин-қизлар спартакиадасида вилоятлардан ташриф буюрган 400 дан ошиқ сингилларимиз спортга ошно бўлдилар.

Халқаро майдонлардаги ютуқларимиз ҳам салмоқли. Маълумки, ўтган йили бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида дунёнинг 202 мамлакатидан 16 минг нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун баҳс олиб борди. Қувонарлиси, мамлакатимиз вакилларидан 5 нафари совриндорлар сафидан жой олди. Айниқса, касаба уюшмалари спорт мактаби вакили Александр Доктурашвилининг юртимизга илк олтин медални туҳфа этгани бизни хушнуд этди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афинада фақат 75 мамлакат вакилларигина медаллар олишга эришди. Спортчиларимиз Осиёда еттинчи, МДҲ мамлакатлари орасида бешинчи, Марказий Осиёда биринчи бўлдилар. Умумий натижа эса 202 мамлакат орасида 34-ўрин. Олимпиадада юрт шарафини ҳимоя қилган 70 нафар спортчининг 56 таси касаба уюшма мактаби вакиллари эканлиги қувонарлидир.

Бугун касаба уюшма спорт мактаби вакиллари Александр Доктурашвили, Ирода Тўлаганова, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Дилшод Мансуров, Оксана Чусовитина, Баҳодир Қурбонов, Эгамназар Акбаров, Тўрабой Ўтаев, Юлия Борзова, Антонина Москалёва, Равил Нечаев, Антон Ряхов сингари матонатли, мард ва юксак иродали спортчилар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Негаки, улар Олимпиада ўйинлари, жаҳон, қитъа кубоги ва чемпионатлари, халқаро турнирлар ғолибларидир. Энг қувонарлиси, уларнинг сафи йилдан-йилга сезиларли равишда ўсмоқда.

Ўзбекистон - спорт мамлакатига айланди. Бу обрўли мутахассисларнинг эътирофи, шунингдек, эртанги улкан ғалабаларга ишонч ҳамдир.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси**

***Фарғона шаҳрида таваллуд топган Антон Ряхов 14 ёшидан бошлаб спортнинг байдарка ва каноэда эшкак эшиш тури билан шуғулланиб келади. Унинг биринчи мураббийи В.Йўлдошев болада спортга муҳаббат уйғота билди. Иқтидор ва истеъдоди намоён бўла бошлаган ёш спортчи кейинчалик касаба уюшмалари тасарруфидаги Республика Олимпия заҳиралари махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ўқишга қабул қилинди.***

# НАТИЖАЛАР ЧЕГАРА ЭМАС



Тинимсиз машғулотлар, мураббийлар ўгити, шунингдек, матонат билан олға интилиш туйғуси уни муваффақиятлар сари етаклади. 1996 йили Антон мамлакат терма жамоасига қабул қилинди. Орадан бир йил ўтиб, у Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди.

1998 йилги XIII Осиё ўйинларида кумуш медал соҳиби бўлди. 2000 йилги Сидней Олимпиадасида ҳали маҳорат ва тажрибасини ошириши лозимлигини тушуниб етди. Яна машғулотларга шўнғиди. Натижада келаси йили жаҳон кубоги баҳсларининг ўтиш босқичида зафар қучди ва бир неча турнирлар ғолиби бўлди.

Халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари учун Антон Ряхов 2001 йили Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони билан тақдирланди. Бу мукофот унга катта куч бағишлади. Қитъа ва жаҳон мусобақаларида кетма-кет зафар қучди. Афина Олимпиадасида иштирок этди.

– Бу зафарларим замирида меҳрибон, шу билан бирга талабчан мураббийларимнинг ҳам катта улуши бор, – дейди Антон. – Чунки уларнинг сабоқлари боис маҳоратли спортчи бўлиб етишдим, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида бўлдим. Лекин шуни алоҳида таъкидлашим керакки, қаерда бўлмайин туғилиб ўсган она юртим тимсолини топа олмадим. Барча ютуқларимни Она Ўзбекистонимга бағишлайман.

Ҳали Антоннинг имконият ва орзу-умидлари бир олам. Бу юксак мақсадларга эришиш учун фақат хоҳишнинг ўзи етмайди. Балки, машаққатли меҳнатгина уни чўққига олиб чиқади. Зеро, шоҳсупага йўл олишнинг завқи ҳам бошқача бўлади.

**Юлия БОРЗОВА**

# СОҒЛОМЛАШТИРИШ — БОШ МАСАЛА

***Сўнгги йилларда вилоятимиз касаба уюшмалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тасарруфимизда 14 та туман, 1 та шаҳар спорт жамияти, 5та қишлоқ соғломлаштириш спорт мактаби, 5 та ихтисослаштирилган БЎСМлар фаолият юритмоқда. Натижада 509 та меҳнат жамоасида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан қарийб 180 минг киши шуғулланмоқда.***

Кейинги 5 йилда вилоят касаба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг моддий-техника базаси мустаҳкамлаб борилди. Бугун 16 та ўйингоҳ, 403 та ҳар хил спорт майдончалари, 3 та сузиш ҳавзаси мавжуд. Термиз шаҳридаги «Дельфин» соғломлаштириш-сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилиши соҳа ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

«Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан жойларда оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва уларни босқичма-босқич ўтказиб боришга ҳаракат қилинди. Йил давомида турли спорт мусобақалари ўтказилди. Жумладан, Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VII анъанавий кураш турнирининг саралаш босқичларида 178 нафар ёшлар иштирок этди. Фахрийлар ўртасида ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида вилоят вакилларидан 27 нафар курашчи совринли ўринларни эгаллашди.

Вилоят ҳокимлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси саъй-ҳаракати билан Сариосиё туманида «Тўпаланг», Қизириқ туманида «Қизириқ», Жарқўрғон туманида «Навоий» ўйингоҳлари қурилиб, ишга туширилди. Айни пайтда мавжуд 5 та БЎСМда 797 нафар ўқувчи спортнинг 8 тури бўйича шуғулланяпти. Улар орасида республика, Осиё ва Жаҳон мусобақаларида фаол иштирок этиб, чемпионликни қўлга киритганлар бор. Дзюдочилар Э.Холиқулов, Ч.Бойматов, самбочилар Сухроб Дўстов, Ҳусан Ҳасанов, курашчилар Фарҳод Жўллиев, Тўра Ўтаев, Ҳасан Жўраев, Давлат Чориев, Шерали Жўраев, енгил атлетикачилар С.Ҳамидова, К.Адамбаева, А.Сарокин, ака-ука Павел ва Никита Холодовлар, боксчилар С.Мадтросян, Баҳодир Бўрибоевлар кўрсатган натижалари билан алоҳида ҳурматга сазовор бўлишган. Кейинги 5 йил давомида улар 154 та медални қўлга киритди. Жамиятимизда бундан ташқари, бир нафар хизмат кўрсатган спорт устаси, 6 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 26 нафар спорт устаси, 249 нафар биринчи тоифали спортчи, 15 минг нафар оммавий спорт разрядига эга спортчи тайёрланди.

Шиоримиз – оммавийлик, соғломлаштириш ва маҳоратни ошириш. Бу йўналишда қўлимиздан келган барча ишни қиламиз. Зеро, мустақил юртимиз келажагини соғлом ва бақувват инсонлар барпо этади.

**Рўзи ЎТАЕВ,**
**Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт кенгаши раиси**










Бизнинг санаторийлар

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

***Бозор муносабатлари жадал ривожлантирилаётган ҳозирги давр санаторий-курорт хизматини кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, тизимни хорижий давлатларда эришилган ютуқ ва тажрибага таянган ҳолда ташкил этишни талаб қилмоқда.***

Ҳозирги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида 19 та сиҳатгоҳлар мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили 50-55 минг нафар фуқаро ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тикламоқда. Экологик ноқулай шароитда яшовчи Оролбўйи аҳолисини соғломлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон республикасида "Гулпаршин" ва "Айдосқалъа" санаторийлари ташкил этилди. Хоразм вилоятида 110 ўринли "Хонқа" сиҳатгоҳи ишга туширилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига асосан санаторий ва дам олиш уйларида қўшимча пулли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада ўтган беш йил давомида ушбу йўналишдан тушган маблағ 430 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Санаторийлар жами 3640 ўринли даволаш имкониятига эга. Лекин кейинги йилларда даволанувчиларга янада қулай шароитлар яратиш учун 3-4 кишилик жой ўрнига 1-2 одамга мўлжалланган, жаҳон андозалари талаблари даражасидаги оилавий ва "люкс" хоналари ташкил қилинди. Шунингдек, кундузги даволаш ишлари йўлга қўйилди.

Шифо масканлари тармоғини ривожлантириш, уларни қайта қуриш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Масалан, "Оқтош" сиҳатгоҳида 1 та ёзги сузиш ҳавзаси, 10 та оилага мўлжалланган барча қулайликларга эга коттежлар фойдаланишга топширилди. "Турон"да 2 та коттеж, реабилитация бўлими, қабулхона, ёзги сузиш ҳавзаси, сауна ишга туширилди. "Ботаника"да 1 та ётоқ биноси ва ошхона таъмирланди. "Чинобод"даги 5 қаватли бино қайта реконструкциядан чиқарилиб, 16 ўринли янги бино қурилди. "Қашқадарё соҳили"да эса 2 қаватли ташхис ва даволаш маркази, маданият саройи, ошхона ишга туширилди. "Чимён"да "люкс" хоналари ташкил этилди. Ҳозирда "Чортоқ", "Бўстон", "Замин" ва "Оқтош" сиҳатгоҳларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. "Умид гулшани"да барпо этилаётган сув билан даволаш мажмуаси яқин кунларда ишга туширилади.

Сўнгги 5 йил давомида сиҳатгоҳларни замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилди. Айни чоғда бошқармага қарашли санаторийларда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган функционал ташхис хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, УЗИ, рентген ва бошқа хоналар мавжуд. Сўнгги йилларда психо, рефлексо, магнито, инфра-қизил нурлари терапияси жорий қилинди. Натижада даволаш самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Бунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳиссаси катта. Чунки ана шу мақсадларга йўналтирилган маблағнинг асосий қисми КУФК томонидан қопланди.

Даво муассасаларида қўлланиладиган муолажалардан бири фито дамламаларидир. Шу боис ҳамма санаторийларда бу даволаш тури яхши йўлга қўйилган. Хусусан, "Ниҳол", "Ботаника" , "Чортоқ", "Умид гулшани" сиҳатгоҳларида 15 хилдан ортиқ фито-дамламалар тайёрланмоқда.

Даволаш муолажаларида фойдаланилаётган минерал сувлар ҳеч қаерникидан қолишмайди. Масалан, "Чимён" сиҳатгоҳида қўлланилаётган сув ўзининг шифобахшлиги билан Сочи курортидаги "Мацеста" билан бемалол беллаша олади. "Чортоқ", "Хонқа", "Ниҳол" санаторийларидаги минерал сувда йод ва бром миқдори юқори. "Чинобод", "Турон", "Бўстон", "Ботаника", "Ситораи Мохи хоса", "Косонсой" сиҳатгоҳларида "Саки" ва "Евпатория" курортлари сувидан қолишмайдиган хлорид-гидрокарбонат натрийли сувлар топилган. "Абу Али ибн Сино"да эса радонли сувлар борлиги аниқланган.

Курортлар бошқармаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб ишларни амалга оширди. Масалан, Соғлом авлод йилида 18 минг 713 нафар аёллар ва 1 минг 774 нафар болалар соғломлаштирилди. 2000 йилнинг декабр ойида гинекологик даволашга ихтисослашган 150 ўринли "Умид Гулшани" санаторийси фойдаланишга топширилди. 2001 йилда "Ботаника", "Чинобод", "Оқтош", "Чортоқ", "Чимён", "Гулпаршин" ва "Мироқи" сиҳатгоҳларида 278 ўринга мўлжалланган "Она ва бола" бўлимлари ташкил қилинди. "Чинобод"га ультратовуш ташхис қўйиш ва "Гинетон", "Турон"га компьютерли электрокардиограф, "Қашқадарё соҳили"га "Андрогин", "Оқтош"га "Витяз" номли, "Ботаника"га Японияда ишлаб чиқарилган компьютерли ультратовуш аппаратлари сотиб олинди. Қарияларни қадрлаш йилида "Бўстон" ва "Ботаника" сиҳатгоҳларида фахрийлар бўлимлари ташкил этилди.

Обод маҳалла йили ҳам фаолиятимизда ўзига хос из қолдирди. Кам таъминланган оила аъзоларидан 1273 нафари амбулатор ва стационар усулида бепул даволанди. Нафақахўрларга 600 минг сўмдан ортиқ ёрдам пули берилди. Меҳр ва мурувват йилида ҳам 24 нафар кишига бепул йўлланмалар ажратилди. Кам таъминланган 582 нафар кишига озиқ-овқат маҳсулотлари, 1948 нафар кишига нақд пул ҳисобида моддий ёрдам берилди.

Санаторий-курорт муассасалари даволаниш макони бўлиш билан бирга маданий-маърифий ҳордиқ чиқариш жойидир. Шу боис сиҳатгоҳларимизда халқимизнинг атоқли фарзандлари, шоир, ёзувчи, артист, давлат арбоблари иштирокида учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Маданият саройларида кинофильмлар, байрам кечалари ва дискотекалар ташкил қилинади. Бундан ташқари, дам олувчилар билан муқаддас зиёратгоҳларга саёҳат уюштирилади. Дам олувчилар учун кутубхоналар ишлаб турибди. Ўтган даврда уларга янги китоблар ва фото-кўргазмалар сотиб олиш учун 2 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи**

# ТАБИАТИНИНГ ЎЗИ БЕБАҲО

***«Чимён» санаторийси юртимизнинг гўзал ва сўлим масканларидан бўлмиш Фарғона водийсида жойлашган бальнеологик курортдир. У Фарғона шаҳридан 32 километр узоқда, Катрап Тау тизимида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда Олтинсой дарёси ёнида жойлашган. Ёзи иссиқ, қиши юмшоқ.***

Сиҳатгоҳнинг ер майдони 28 гектар ердан иборат бўлиб, улкан манзарали дарахтлар, гулзорлар ва чиройли биноларни ўз ичига олган. Икки қаватли замонавий даволаш, битта тўрт қаватли ва тўртта беш қаватли кўркам ётоқ бинолари, 1100 ўринли ошхона, маданият саройи, биллиард, маънавият ва маърифат хоналари дам олувчилар хизматида. Биринчи ётоқ бўлимида уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари, юрак хасталиги билан касалланганлар даволанишади. Бу ердаги хоналар бир ва икки кишилик бўлиб, барча қулайликларга эга. Улар замонавий мебеллар, идиш-товоқ анжомлари, телевизор, совутгич, кондиционер, қандиллар билан жиҳозланган.

Иккинчи бўлим 230 нафар дам олувчига мўлжалланган. Бу ерга гинекологик, ҳаракат-таянч ва андрологик касалликлари билан келганлар ётқизилади. Бўлимда ўтган йили 3 та «люкс» хоналар ташкил этилиб, дам олувчилар ихтиёрига берилди. Учинчи бўлим 1980 йилда ишга туширилган. Бино «Она ва бола" йўлланмаси билан келган дам олувчилар ва асаб-тизим хасталикларига мослаштирилган.

Даволаш биноси замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган. У электр билан даволаш, олтингугуртли, гиёҳ ванналар, балчиқ, шам-азокерит, турли услубдаги уқалаш, ёпиқ чўмилиш ҳовузи, гинекология, андрология, стоматология, игна, таҳлил, фитобар, спорт ва бадантарбия хоналаридан иборат. Санаторийда мижозларни даволаш учун асосан Мацеста типидаги минерал сув ва балчиқ қўлланилади. Бундан ташқари, даволанувчиларга сульфат гидрокарбонат-натрийли сув ичирилади. Бу шифобахш сув овқат ҳазм қилиш органларининг шира ажратиш, ҳаракат функцияларига ижобий таъсир этиб, оқсил, қанд, сув, туз алмашинувини яхшилайди. Ферментлар фаоллигини оширади. 12 бармоқли ичакнинг яра, жигар ва ўт йўли касалликларини даволайди.

Ошхона замонавий типда қурилган бўлиб, ичи миллий кўринишда безатилган. Бу ерда дам олувчиларнинг овқатланиши учун барча шароитлар мавжуд. Ҳафталик ва кунлик таомномалар даволанувчиларнинг буюртмалари асосида тузилади.

Хуллас, санаторийда дам олувчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ёзги ва қишки клублар ишлаб турибди. Бу ерда кинофильмлар намойиш қилинади, дискотекалар уюштирилади. Дам олувчилар водийнинг гўзал ва зиёратгоҳ жойларига, табиат қўйнига саёҳатга олиб борилади. Улар бўш вақтларида биллиард, теннис, шахмат-шашка, волейбол, футбол ва бошқа спорт турлари билан машғул бўлишади.

Бу ерда ўтган беш-олти йил ичида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ёрдами билан кўплаб таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилди. Хусусан, эски биноларнинг бир нечтаси тўла таъмирланиб, уларнинг ичига ҳозирги замон талабларига мос жиҳозлар киритилди. Мижозларга қулайлик туғдириш мақсадида бир ва икки кишилик хоналар ташкил этилди.

**Лазокат БОЙМИРЗАЕВА,**
**«Чимён» санаторийси масъулияти чекланган жамият раҳбари ўринбосари**



# МАФТУН ЭТДИ

«Косонсой» сиҳатгоҳида дам олиб, соғлиғимизни тиклашни биз ишлаётган Андижон пахтачилик институти проректори Абдурасул Ҳакимов таклиф қилган эди.

Келиб хато қилмабмиз. Санаторийда самимий кутиб олишди. Унинг ҳавоси, шарқираб оқаётган сувлари, булоқлари, самимий шифокорлари мафтун этди. Бу ерда дам олувчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, ётоқхоналар ораста, маданий-маиший ишлар аъло даражада ташкил этилган. Айниқса, сиҳатгоҳ ходимларининг ширин муомаласи, спортга берилган эътибор, ошхонадаги озодалик ва овқатларнинг хилма-хил, ширинлиги бизни жуда қувонтирди.

Санаторий атрофидаги манзаралар Қора денгиз соҳилидаги масканларни ёдимизга солди. Шу боис сиҳатгоҳ раҳбарияти ва ходимларига миннатдорчилик билдирган ҳолда юртдошларимизни «Косонсой»га келиб дам олиб кетишларини тавсия этамиз. Чунки биз бу ердан асаб ва суякбўғим хасталикларидан халос бўлиб кетмоқдамиз.

**Деҳқонбой РУСТАМОВ, Валентина КОЛОДИЕВА,**
**Андижон вилояти**

# ДАРДИМИЗГА ШИФО ТОПДИК

«Чортоқ» санаторийсига 2000 йилдан буён даволанишга келамиз. Чунки бу ернинг биринчидан ҳавоси тоза. Иккинчидан даволаш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми. Бизга айниқса, сиҳатгоҳда чиқаётган минерал сув жуда ёқди. Чунки у шифобахшлилиги билан ҳаракат-таянч органларга яхши таъсир қилар экан.

Сиҳатгоҳда дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Масканнинг маданият саройида ҳар хил кўнгилочар тадбирлар ўтказиб турилади. Дам олувчилар бир кун кинофильмлар кўришса, иккинчи куни улар дискотекага таклиф қилинади. Бундан ташқари, шоир, ёзувчи, артистлар билан учрашувлар ўтказилади. Эрталаб тоза ҳавода бадантарбия машғулотлари олиб борилади.

Ошхонада овқатлар хилма-хил тайёрланади. Таомномалар буюртма асосида тузилади.

**Суюн ТОШНИЁЗОВ,**
**Норқул ЖОЗИЛОВ,**
**Нарпай тумани**

# «ТУРОН»НИНГ ЛЮКС ХОНАЛАРИ

***Мустақиллик йилларида курортлар бошқармасига қарашли сиҳатгоҳларда кўплаб ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли «Гулпаршин» ва 35 ўринли «Айдосқалъа» сиҳатгоҳлари фойдаланишга топширилди. Хоразм вилоятида эса 110 ўринли «Хонқа» санаторийси ишга туширилди. Кўплаб санаторийларда ётоқ ва даволаш бинолари таъмирланди. Республикамиздаги энг севимли масканлардан бири бўлган «Турон» сиҳатгоҳи очиқ акциядорлик жамияти ҳам шу йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди.***

Хусусан, бу ерда 2 та «люкс» хонали ва 33 ўринли реабелитация бўлими, қабулхона ва очиқ сузиш ҳавзаси, сауна ишга туширилди. Сиҳатгоҳда она ва болаларни даволаш учун алоҳида бўлимлар ташкил қилинди.

— Илгарилари санаторийимизда фақат кардиология бўлими фаолият кўрсатарди, – дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси А.Газиев. – Ҳозирги кунда эса бунга неврология, гинекология, андрология бўлимлари қўшилди. Натижада юрак, қон-томир, асаб, бўғин ва бошқа касалликларни даволаш имконияти туғилди. Реабелитация бўлимида эса ўткир инфаркт бўлган беморларга юракнинг ишлаш фаолиятини қайта тиклаш муолажалари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, сиҳатгоҳда кўз шифокорлари, гастроэнтролог ва бошқа тиббиёт мутахассислари фаолият кўрсатади. Замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида маъданли сув билан беморларнинг ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари ювилади. Таянч-бўғин касалликларини даволаш бўйича мануал терапия, умуртқа поғонасининг бўғин, кўкрак қисми оғрийдиган беморларни даволайдиган мосламалар мавжуд. Физиотерапия бўлими эса лазеротерапия, компьютер хоналари ва бошқа замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига эга. Шунингдек, бу ерда беморлар балчиқ-озокерит, гидроаэронализация усули, ҳар хил шифобахш ўтлардан тайёрланган шарбатлар билан даволанадилар. Ошхонада ҳар бир дам олувчининг буюртмасига қараб овқат тайёрланади.

Ҳақиқатан ҳам мазкур сиҳатгоҳда дам олувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ёзги ва қишки клублар ишлаб турибди. Бу ерда мустақил дам олиш соатлари, дискотекалар уюштирилади. Автобусларда пойтахтнинг гўзал ва зиёратгоҳ жойларига, табиат қўйнига саёҳатларга олиб борилади. Дам олувчилар биллиард, теннис, шоҳмот-шашка, бадминтон, волейбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишади.

Ўтган тўрт-беш йил ичида санаторийда қурилиш борасида катта ўзгаришлар бўлди. Ҳозирги кунда қайта таъмирланган хоналарнинг ҳаммаси бир ёки икки кишилик бўлиб, уларда яшаш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Сиҳатгоҳ ҳудудида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бевосита ёрдами билан ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган «Она ва бола» бўлими фойдаланишга топширилди. Хоналарда телевизор, телефон, юмшоқ мебеллар, гиламлар бор. Шунингдек, янги чўмилиш ҳавзаси ишга туширилди. У ердаги ускуналарнинг ҳаммаси Германиядан келтирилган. Улар ҳатто ҳавзадаги сувни тозалаб, иситиб бера олади. Сауна, дам олиш, массаж хоналари дам олувчилар хизматида.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА»ГА

## чет элликлар ҳам ташриф буюришади

«Ситораи Моҳи Хоса» сиҳатгоҳи Бухоро шаҳрининг энг хушманзара, хушҳаво жойларидан бирида жойлашган. 1962 йилда санаторийдан чамаси 1,5-2 километр наридан буйрак ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланиладиган маъданли сув манбаи топилди ва бу ерда сиҳатгоҳ ташкил этилди.

Шу боис санаторийда асосан буйрак, жигар, сийдик йўллари шамоллаши, овқат ҳазм қилиш тизими ва ҳаракат-таянч аъзолари касаллиги билан келган беморлар даволанишади. Сиҳатгоҳ баъзи касалликларни даволаш бўйича нафақат республикамизда, балки ҳамдўстлик мамлакатлари ичида ҳам ягонадир. Шунинг учун бу ерга Россия, Украина, Қозоғистон каби кўплаб мамлакатлардан беморлар ташриф буюришади.

Ҳозирги кунда бу ерда 43 та даволаш усулидан фойдаланилмоқда. Физиотерапия, парафин, қўл билан уқалаш, игна, маъданли сув билан даволаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда ҳар бир даволаш усулидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинади. Масалан, сиҳатгоҳ ҳудудидан чиққан маъданли сувни беморнинг касаллигига қараб ичирилади, ванна қилдирилади. Беморнинг ошқозон, ичак йўлларини ювишда фойдаланилади. Бундан ташқари, лазер терапияси каби усуллар ҳам қўлланилади.

Мазкур даволаш ва дам олиш маскани бошқа санаторийлардан яна бир жиҳати билан ажралиб туради. У ҳам бўлса муолажалар хонаси ётоқ биносида жойлашганлигидадир. Бу эса ўз навбатида мижозларнинг муолажадан кейин ташқарига чиқмасдан хоналарига бориб дам олиш имкониятини яратиб беради.

Илгарилари санаторий 500 ўринга мўлжалланган эди. Лекин хоналар тор бўлиб, ҳозирги замон талабларига жавоб беролмасди. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбариятининг бевосита ёрдами билан хоналар тўла таъмирланиб, кенгайтирилди. Натижада жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган «люкс» хоналар ташкил қилинди. Хоналар музлатгич, телевизор, гилам, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланди.

Беморларга муолажадан кейин зерикиб қолмасликлари учун бир қанча қулайликлар яратилган. Хусусан, сиҳатгоҳнинг қишки ва ёзги клубларида дам олувчиларга бир кун кинофильм қўйиб берилса, иккинчи куни дискотека уюштирилади. Бу ерда вақти-вақти билан шоирлар, ёзувчилар ва бошқа жамоат арбоблари билан суҳбатлар уюштирилади. Дам олувчиларнинг шоҳмот-шашка, биллиард, теннис ўйнашлари учун ҳам шароит яратилган. Боғлар ичра дам олиш ўриндиқлари ўрнатилган. Бундан ташқари, мижозлар Бухоронинг зиёратгоҳ жойлари ва тарихий обидаларига саёҳат қилиш имкониятига эга. Кутубхонада бадиий, тарихий ва бошқа мавзулардаги китоблар бор.

Санаторийда кўплаб шифокор ва ходимлар даволанувчиларга беминнат хизмат кўрсатишади. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш сиҳатгоҳ бошланғич касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Шу боис ходимларнинг ойлиги ўз вақтида берилмоқда. Уларга шарт-шароит яратиб бериш мақсадида ҳар бир бўлимда дам олиш хоналари ташкил қилинган. Маъмурият касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг соғлиғини тиклаш мақсадида бир мунча ишларни амалга оширди.

**А.ҲАКИМОВ,**
**«Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси бош ҳакими**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765

Буюртма Г— 616

23456